

# **Proceedings of International Congress on “Multidisciplinary Studies in Education and Applied Sciences”**

Hosted Online from Bilbao, Spain on November 10th, 2022.

[www.conferencezone.org](http://www.conferencezone.org)

## **АЛИШЕР НАВОЙИ ИЖОДИДА АЁЛ ОБРАЗИ**

Мўътабархон Мадаева,

Ўзбекистон халқаро ислом академияси ўқитувчisi,

mutabar\_aziz@mail.ru,

тел: (моб) 90 996 4769

Мамлакатимизда аёлга бўлган муносабат ўз тарихий илдизларига эга. Аждодларимиз доимо аёлларни қадрлашга, уларга нисбатан хурмат ва иззатда бўлишга ундашган. Абдулла Авлоний: “Қизлар билим олишга ҳаммадан кўпроқ интилишлари лозим, зеро, бу билимлар билан улар келажак авлодни тарбиялайдилар”, — деб ёзган эди

Алишер Навоий ижодига назар ташласак, бу буюк зот оилани, оналар ва аёлларнинг жамиятдаги ўрнини юксак баҳолаб, уларнинг орзуларини назм ипига маржондек тизганини кўриш мумкин. Навоий ўша даврнинг зулми остида эзилиб яшаган аёлларнинг қаддини кўтариш учун асарларида улар хақидаги илғор фикр ва орзуларни юксак бадиий шакл ва бўёқларда, ўзига хос бадиий воситалар орқали ифодалайди.

“Насойим ул-муҳабbat” тазкирасида 770 нафар шайхлар, ориф инсонлар ҳақида фикра битилган, шулардан Шайх Мўмин Шерозий, Шайх Абдулқодир Жилий, Паҳлавон Маҳмуд, Шайх Абу Абдуллоҳ Ҳафиблар ҳаёти, каромати мисолида қатор оналар образи тасвирланган. Улар орқали улуғ шоирнинг тарбия, танбеҳ, огоҳлантиришларидан воқиф бўламиз. Онага хурмат, таъзим, мулозамат ҳар бир замонда, маконда, ҳар бир миллатда гўзал бир қадрият эканлигини англаймиз.

Шайх Мўмин Шерозий ҳақида ҳикоят жуда қисқа, чунки “Навоий ҳар бир тасаввуф арбоби ҳақида маълумот берар экан, маълумотнинг лўнда муҳтасар бўлишига интилади”. “Шайх ул-ислом деббурки: “Исмоил Даббос дедиким: “Ҳаж нияти қилиб борурда Шерозға етишдим. Бир масжидқа кирдим. Шайх Мўминни кўрдимки, ўлтуруб хирқасин ямайдур эрди. Салом қилдим ва ўлтурдим. Мендин сўрдиким: “Не нияting бор?” Дедим: “Ҳаж ниятим бор”. Деди: “Онанг бор?” Дедим: “Бор!” Деди: “Ёниб онанг мулозаматига бор!” Бу сўз менга хуш келмас эрди. Деди: “Не тўлғанасен? Мен эллик ҳаж қилибмен, бош яланг, оёқ яланг ва зоду ҳамроҳсиз. Барчасин сенга бердим. Сен онанг кўнгли шодлигин менга бер!”

Ҳикоятнинг мазмун-мундарижасида, тоясида она розилиги, она кўнгли шодлиги билан боғлиқ бутун нозик масалалар ёритилган. Навоий

# **Proceedings of International Congress on “Multidisciplinary Studies in Education and Applied Sciences”**

Hosted Online from Bilbao, Spain on November 10th, 2022.

[www.conferencezone.org](http://www.conferencezone.org)

китобхонга оналар ҳаққи-хурматини, розилик даражасини ҳатто исломнинг фарз амалларидан бири бўлган ҳаж амали орқали топган савобнинг даражасидан ҳам юксаклигини, жаннатга борадиган йўллар она шодлиги, она ризоси билан туташ эканлигини уқтирумокда. Ҳикоят композициясида диалог усули, яъни Шайх Мўмин Шерозий ва Исмоил Даббос орасида бўлган сұхбат-савол-жавоб асосий ўрин тутади. Бу эса, биринчидан, китобхонга воқеаларни осонгина эслаб қолишига ёрдам берса, иккинчидан, ҳикоятда вақт, ўрин, ҳаракат бирлиги ягона мақсадга – Она мулозаматига, она розилигига қаратилади. Шайхнинг Исмоил Даббосни ҳаждан қайтариши ўқувчида тушқун кайфият уйғотмайди. Аксинча, бунга, “Барчасини сенга бердим. Сен она кўнгли шодлигин менга бер!” деган Шайхнинг ички рухиятини очувчи танбеҳи яна умид беради. Шайхнинг бу танбеҳи насрда бўлса-да, дидактик шеъриятнинг гўзал намунасиdir. Сабаби, асрлар давомида у: “Сен она кўнгли шодлигин менга бер!” деган хитоби билан гўё у миллионлаб қалбларни таълим-тарбияга чорлаб турибди.

Шу билан бирга, Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Сабъаи сайёр” достонларидағи Ширин, Лайли, Дијором – бош қаҳрамонга муносиб жуфтлик тарзида тасвирланади. Аёлларга паст назар билан қарашни танқид остига олади. Аёлларнинг бетимсол образларини яратиб, ўзининг ҳаётий ва романтик орзуларини баён қиласиди. Шунингдек, бу достонларда оддий энага образи ҳам юксак талқинини топган.

Қош бирла, кўзинг яхши ёноғинг яхши,  
Юз бирла сўзинг яхши, дудоғинг яхши,  
Енг бирла менгинг яхши сақоқинг яхши,  
Бир бир не дейин бошдин то оёқинг яхши.

Ўзбек мумтоз адабиёти тарихига назар ташлар эканмиз, аёллар образларини яратишдек мухим ишга ҳеч бир шоир Алишер Навоийдек катта аҳамият бермаган. Вафо ва садоқат, ишқ-муҳаббат бобида гўзал аёллар тимсолини, уларнинг юксак маънавиятини ўз ғазалларида жуда чиройли ифодалаб берган.

Хотин-қизларга нисбатан салбий муносабат ҳукм сурган XV асрда Навоий болалар тарбиясида аёллар - оналарни оталар билан баробар ўринга қўяди. Ота ва она бирдек хурмат-эҳтиромга муносиб эканлигини баён этади:

Бошни фидо айла ато қошига,  
Жисмни қил садқа она бошига.

# **Proceedings of International Congress on “Multidisciplinary Studies in Education and Applied Sciences”**

Hosted Online from Bilbao, Spain on November 10th, 2022.

[www.conferencezone.org](http://www.conferencezone.org)

---

Тун-кунингга айлагали нурфош,  
Бирисин ой англа, бирисин - қүёш.

Алишер Навоий "Ҳайрат-ул-аббор" достонида фарзандларнинг ота-онага ҳамиша содик бўлиши, уларга самимий хизмат қилиши зарурлигини уқтиради.

"Фарҳод ва Ширин" достонидаги Ширин образи оқил ва доно, ижодкор, вафодор, ватанпарвар каби фазилатларга эга бўлган мукаммал аёл образидир. Ширин "Мен инсонман, шунинг учун ҳам чин инсонни севаман", дейди.

Менга не ёру не ишқ ҳавасдур,  
Агар мен одам ўлсам ушбу басдир.

Аёллардан тадбиркор, олима, давлат арбоблари чиқишига ишонган Навоий ўз қарашларини адолат ҳомийси, давлат бошлиги, буюк истеъдод эгаси Мехинбону образи орқали ифодалаб беради.

Мехинбону ки донишпарвар эрди,  
Билик ахлига шохи сарвар эрди.

Навоий тасвирлаган аёллар ҳар жиҳатдан юксак қобилият соҳибалариидир. Унинг Лайлиси эркин севгини истайди, ўша замон урф-одатлариға лаънатлар ўқийди. Ширин тимсолида ватанпарварлик, одамийликни кўрамиз. Лубатий Чиний камтар, баҳодир аёл тимсолидир.

Навоий яратган тимсолларда XV асрдаги аёлга паст назар билан қаралган тузумда оғир кунларни кўрган, эзилган ва хўрланган аёллар нуфузини кўтаришга интилади. Айниқса, даврдан норозиликни Лайли тилидан шундай ифодалайди:

Лайлики балоий фурқати бор,  
Икки Мажнунча меҳнати бор.

Умр анга ғалат ҳавасдур, ахир,  
Жон тарки ажаб эмасдур ахир.

"Сабъаи Сайёр" асаридаги чанг чалувчи Дилором тимсоли, вафодор аёл қиёфаси ўзига хос, гўзал кўринишлар орқали ифодалаб беради. «Дилором» ҳам исм, ҳам луғовий маъносида («дилга ором берувчи») қўлланилган.

Шунингдек, ушбу достонда аксари аёл-қизлар ақлли, жасур ва тадбиркор қилиб тасвирланган. Масалан, Маллунинг қизи севгилисини қатлдан қутқарса, Мехр ёрдамида Сухайл зиндондан озод бўлади.

"Садди Искандарий" достонидаги Чин гўзали Лубатий Чиний образи ҳам жасур, кучли, мард, жангларда ўз матонати билан душманларга қарши

# **Proceedings of International Congress on “Multidisciplinary Studies in Education and Applied Sciences”**

Hosted Online from Bilbao, Spain on November 10th, 2022.

[www.conferencezone.org](http://www.conferencezone.org)

мардонавор курашиб, фақат ғалаба қозонган мукаммал қаҳрамон аёл тимсолидир.

Адабиёт оламида аёл образларида умумбашарий фазилатлар, энг илгор диний-дунёвий, маърифий, ахлоқий-таълимий қарашлар мужассамлашган. Демак, Навоий яратган аёл образлари ҳамма замонларда катта ижтимоий-тарбиявий, маърифий ва эстетик аҳамиятга эга бўлиб қолади. Зоро, биз бир мавзу асосида Навоий ижодини ўрганганимиз сари унинг ижоди қайта жонланиб ўзининг жозибасини кўрсатиб гўё чексиз маҳорат мактаби ила жило қиласкеради.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Фиёсиiddин Бинни Ҳумомиддин Хондамир. Макоримул-ахлоқ. – Т.:Faafur Fulom номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1967.
2. Навоий ғазаллари (насрый баён, шарҳ ва изоҳлар) I китоб. “Bayoz” нашриёти. Тошкент – 2014 йил.
3. Ш.Сирожиддинов, Д.Юсупова, О.Давлатов. Навоийшунослик, “Тамаддун” нашриёти, Тошкент – 2018.
4. Алишер Навоий. Сабъаи сайёр. – Т.: Faafur Fulom, 1991.
5. Алишер Навоийнинг адабий маҳорати масалалари (Мақолалар тўплами). – Т.: Фан, 1993.
6. Боровков А.К. Алишер Наваи как основоположник узбекского литературного языка. Алишер Наваи. – М.-Л., 1946.
7. Тўхтасин Жалолов. “Хамса” талқинлари. - Тошкент: Faafur Fulom, 1968.